



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 15 август, пайшанба, 33 (509)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Оқсаройда қабул

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
14 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА «БОИНГ —
ФУҚАРО САМОЛЁТЛАРИ» КОМПАНИЯСИ
ПРЕЗИДЕНТИ, «БОИНГ» КОРПОРАЦИЯСИ
ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ РЭЙМОНД КОННЕРНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, «Боинг» компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг яримдан кўпи, жумладан, АҚШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кесаларида амалга оширилямоқда. 2016 йилда яна иккита «Боинг 787-800 Дримлайнер» самолётни етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини

ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ўқув-машғулот марказини машқ ускуналари билан жиҳозлаш, Тошкент шаҳрида «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси негизида самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самимий қабул, очик фикр алмашув ҳамда «Боинг» компанияси фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Ислоҳот

Иқтисодий барқарорлик омили

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАНИ БУГУНГИ НАТИЖАЛАР АСОСИ БЎЛАЭТИР

Зеро, бу масала Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этар эди.

Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг биринчи босқинида қишлоқда ҳўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш, деҳқон ерининг, етиштирилаётган маҳсулотнинг тўла эгаси бўлишига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилишини эътиборга олсак, аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш нима учун Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этганини чуқурроқ англаб етамиз.

Кўрилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакат аграр соҳасида бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган янги тизим шаклланди. Давлатга қарашли бўлмаган сектор ривожланиб, уларда бошқарув тизими ва ҳўжалик юритиш услублари ўзгарди. Бир сўз билан айтганда, айна пайтдаги беқийёс натижаларга мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ асос солинди.

Зотан, бугунга келиб ҳам соҳада изчиллик касб этган ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Чунки дунёда озик-овқат танқислиги ва хавфсизлиги масаласи пайдо бўлган бир пайтда соҳада амалга

оширилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этаётганини таҳлилчилар алоҳида таъкидламоқдалар. Ана шу жараёнларни изчил ўрганаётган мутахассисларнинг фикрича, соҳани бугунги талаблар асосида ривожлантириш, унга истиқболли иш услубларини жорий этиш, маҳсулот экспортини кўпайтириш, боғ ва узумзорларни жойлаштиришга илмий-амалий ёндашиш, ажратилган ерларни реконструкция қилиш ҳамда уларни ламми, тоғолди, паёт ҳосилли галла майдонлари ҳисобига кенгайтириш лозим. Бунда фермер, шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжаликларини сифатли ҳамда юқори ҳосилли уруғлик ва қўчатлар билан таъминлаш, улар учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини кўпайтириш ва хизмат турлари сифатини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконини берувчи минитехнология ва зарур қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминлаш ниҳоятда муҳимдир.

Ана шулардан келиб чиқиб, O'zLiDeP ташаббуси билан боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш масалалари, тоғли ва тоғолди ҳудудларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш истиқболлари, ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши агрофлича ўрганилмоқда.

3 >>

Истиқлодан — истиқболга

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Мамлакатимизда ҳар йили 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси сифатида дарслик ва ўқув куролларини топшириш эзгу анъанага айланди. Хабарларга кўра, айна пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тасдиқланган тақсимот режасига асосан, 2013-2014 ўқув йилида 1-синф ўқувчилари учун 529 274 тўпلام (бундан ташқари, яна 10 мингта захира тўпلام), шунингдек, касаллиги туфайли ўз уйида таълим оладиган болалар учун 9987 тўпلام, 12 турдаги ўқув куролларидан иборат совғаларни белгиланган муддатда эгаларига етказиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидан маълум қилинишича, бунинг учун бюджетдан 15 миллиард 119 миллион 115 минг сўм миқдорига маблағ ажратилган.

МАҲАЛЛАЛАР УЧУН — 300 ТА МАЙДОНЧА

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Хар бир маҳалла учун — спорт майдончаси» акцияси доирасида шу кунгача мамлакатимизда 100 та замонавий спорт майдончаси барпо этилган бўлса, сентябрь ойига қадар уларнинг яна 200 таси фойдаланишга топширилади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ахборот хизматида хабар қилинишича, шу йилнинг 1 июнида старт олган мазкур акция мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган. Таъкидлаш жоиз: «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилаётган мазкур тадбир болалар спорт майдончаларини модернизациялаш, уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уяғлиб келаятган ёш авлод учун айна спорт билан шугулланишга мўлжалланган майдончаларда машғулотлар ўтказиш имкониятини яратиш, ўғил-қизларнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишларини таъминлашга хизмат қилади.



Депутатлар ташаббуси қонун лойиҳасига кўчди

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТўҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА», «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

2 >>

Ҳуқуқий эксперимент

Аҳолининг ахборот олишдаги фаоллиги ошмоқда

МАЪЛУМКИ, «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИДАН Кейин АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СўЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАВЗУСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН ЭДИ

Концепциянинг ана шу бобида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг асосий вазифаси сифатида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари амалга ошираётган ишлардан хабардор қилиш процедураларини аниқ белгилаш зарурлиги қайд этилган. Айна пайтда ана шу талаб асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синовий бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда.

2 >>

Самарқанд: истиқлол нуридан мунаввар воҳа



4 БУНЁДКОРЛИК



Бир ёқадан бош чиқариб...

5 ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 13 августдан бошлаб валюта онрациялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

1 Австралия доллари	▲ 1946,13
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3277,12
1 Дания кронаси	▲ 377,92
1 БАА дирҳами	▲ 575,94

1 АҚШ доллари	▲ 2115,36
1 Миср фунти	▲ 302,85
1 Исландия кронаси	▲ 17,86
1 Канада доллари	▲ 2056,54

1 Ҳитой юани	▲ 345,68
1 Малайзия ринггити	▲ 653,19
1 Польша злотийси	▲ 673,40
1 СДР	▲ 3222,75

1 Туркия лираси	▲ 1100,49
1 Швейцария франки	▲ 2289,60
1 ЕВРО	▲ 2811,27
1 Жанубий Корея юани	▲ 19,00

10 Япония иенаси	▲ 219,28
1 Россия рубли	▲ 64,37
1 Украина гривнаси	▲ 264,65

Депутатлар ташаббуси қонун лойиҳасига кўчди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Йигилишда таъкидланганидек, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили уларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал тизими ташкил топди ва изчил ривожланмоқда, деб хулоса чиқариш имконини беради. Халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган бу ҳужжатлар мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг қўламли фаолият юритишини таъминлайдиган қонунчилик базасини янада мустаҳкамлади.

Бироқ бугунги давр кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, айниқса, уларнинг худудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ролини кучайтириб бориши тақозо этмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнаттишдан иборатдир.

Фракция аъзоларининг фикрича, сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатишлари учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш орқали халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш керак.

Хўш, O'zLiDeP фракциясида кенг муҳокама этилган қонун лойиҳаларининг долзарб аҳамияти қайси жиҳатларда намён бўлади?



Маъруф УСМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Амалдаги қонун ҳужжатларида маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ечишдаги роли ва ўрни етарли даражада очиб берилмаган эди. Кўйи палатадаги демократик блокка бирлашган фракциялар ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, сиёсий партияларнинг сайловчилар манфаатларини фодалашининг янги, янада самарали механизмларни ишлаб чиқишни талаб этадиган ислоҳотлар жараёни мазкур қонун лойиҳасининг таъминлаш заруриятини юзага келтирди.

Шунинг учун ҳам янги қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдорини беш нафар этиб белгилаш таклиф этиляпти. Партия гуруҳи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда, партия гуруҳи кенгашига кирувчи депутатлар сонини уни тузиш учун зарур бўлган миқдордан камайиб кетганда ўз фаолиятини тугатиши мумкин.

Мазкур ҳужжат партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Жумладан, тегишли вакиллик органи комиссиялари расилгига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, муайян ҳудудда жой-

лашган давлат органи раҳбарининг ҳисоботини сессияда эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳақидаги норма ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Аммо бундай қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади. Муҳими шундаки, партия гуруҳларининг таркибига киритилган масалалар бўйича барча таклифлари албатта кўриб чиқирилиши шарт. Хулоса қилиб айтганда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий кучларнинг Сайловчилик платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаолликларини кучайтириш баробарида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ҳам кучайтиради.


— «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасини, агар тегишли талаблар яққо тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқароларнинг олдинги фаолияти билан боғлиқ бўлса, ҳўжалик судига улар иштирокидаги низооларга доир ишлар ҳам тааллуқлилигини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдириб таклиф этилмоқда.

Маълумки, Хўжалик процессуал кодексининг 110-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд буйруғи судья томонидан икки нус-

хада имзоланиб, улардан бири ишда қолади ва бошқаси ундирувчига берилди. Хўжалик судлов ишларини юритишда эса аксарият ҳолларда тарафлар тадбиркорлик субъектлари бўлади. Шунинг учун олиб, тадбиркорлик субъекти бўлган қарздорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш мақсадида янги қонун лойиҳаси орқали тегишли тарзда тасдиқланган суд буйруғининг кўчирма нусха-сини қарздорга юбориш тартибини жорий этиш назарда тутилган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан сул-

Абдуқодир ТОШКУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



га ёҳуд бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиш имкониятини назарда тутди. Лекин шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиш қўймайди. Шу муносабат билан ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида лойиҳада ҳўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят берилганда

юқорида айтилган ҳаракатлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш таклиф этилмоқда. Энг асосийси, мазкур қонун лойиҳаси O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ишларнинг судда янада сифатли ва сансалорликларсиз кўриб чиқирилишига эришиш мақсадида ишлаб чиқилган, десак тўғри бўлади.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Фермерлик

Ерни алдамасангиз, у албатта сийлайди

O'ZLIDER FUQAROLARI, ISHTIXONLIK FERMER FAYRAT TOIROV TUMANNING 49 MING TONNALIK FALLA XIRMONIGA MUHOSSIB ULUSH QUSGANLARDAN

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

— Жорий йилда туманимиз ғаллакорлари 7440 гектар майдонда 49 500 тонна сара дон етиштирилди, — дейди Иштихон туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Неймат Шакарв. — Агар мустақилликнинг илк йилларида гектаридан 23 центнердан ҳосил олган бўлсак, бугунга келиб ҳосилдорлик уч баробарга ошди. Айрим фермер хўжаликлари гектаридан юз центнер атрофида хирмон кўтарилди. «Сулаймон Бутаев», «Жамшид», «Азим шер» сингари фермер хўжаликлари шулар жумласидандир. Қолаверса, 2200 гектар майдонда 6000 тоннадан зиёд уруеллик ғалла етиштирилди. Бунга янги навларни шариотимизга мослаштириш, селекция кўрсаткичларини яхшилаш устидан изчил иш олиб борилгани сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам иштихонлик фермерлар бу йил салмоқли на-

тижаларга эришдилар. Қувонарлиси улар орасида O'zLiDeP аъзолари кўпчилигини ташкил этади. — Фермер сифатида 1996 йилда иш бошлаганман, — дейди «Бунёд Рустамов боғлари» фермер хўжалиги раиси Файрат Тоиров. — Ҳақ вақтда еримиз атиги 10 гектар эди. Бугунга келиб 80 гектар ерда деҳқончилик қилаяптимиз. Шунинг 26 гектари шартли насос ёрдамида сугориладиган майдон. Фермернинг айтишича, у бу ерларни ўз хоҳиши билан олган. Бу ташаббуси кўпчилигини ҳайрон қилдирган бўлса-да, аммо фермернинг оғир меҳнати билан унинг юзи ёруғ бўлди. — Бу йил давлатга 78 тонна бўёдий сотиб, шартнома режасини ортири билан бажардик, — дейди Ф.Тоиров. Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 15 нафар ишчилнинг ҳар бирига 2 тоннадан кўпроқ бўёдий тарқатдик. Умуман, фермерликка қўл уриб кам бўлмаётимиз. Бу йилги ҳосилнинг 90 тоннасини ўзимиз учун ғам-

лаб қўйдик. Фойдалан ҳўжаликдаги техникаларни янгилаш ни-ятидамыз. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида хориждан 10 бош чорва моллари келтириб, насиб этса, ихчам технологиялар асосида сутни қайта ишлаш цехини ишга туширамыз. Меҳнат қилган — элда азиз, деганларидек, O'zLiDeP аъзоси Ф.Тоировга яқинда «Нексия» автомашинаси мукофот сифатида берилди. O'zLiDePнинг олти нафар фаоли меҳнат қилаётган мазкур хўжалик келгусида янги цех очиб, яна ўндан ортиқ иш ўрни яратишни режалаштиришган. Жорий йилда эса тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 2 нафари ишга қабул қилинди. Айни пайтда асосий эътибор ғўза парварлишига қаратилган. Маҳаллий ўнит билан сугорилиб, кўлтивация ва чеканка каби муҳим ишлар оби-тобида бажариламоқда. Дарвоқе, Файрат фермернинг ўз фалсафаси бор: у ерни алдамасангиз ер албатта сийлайди, дейди доим.

Дастур ва ижро

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» НАМОЙИШИ ЭТАДИ

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидан хабар қилишларича, айни кунларда «Ўзбектеелефильм» давлат унитар корхонаси томонидан «Миллий сериал» комплекс ижодий ишлаб чиқариш дастури доирасида суратга олинган бир нечта телесериаллар томошабинлар эътиборига ҳавола этиш учун тайёрланган бўлса, яна учта кўп қисмли фильмини ишлаб чиқариш йил режасига киритилган. Хусусан, «Едгор» номли янги сериал айни кунларда «Ешлар» телеканали орқали намойиш этилаётган. Кўпчилик телемухлисларда яши таассурот қолдирган «Опа-сингиллар»нинг иккинчи фасли, шунингдек, «Ҳаёт пиллаоялари» деб номланган сериалнинг монтаж ва дубляж жараёнлари якунига етди. Бундан ташқари, жорий йилда «Ўзбектеелефильм» ДУК ижодий жамоаси оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликни ёнгилатиш мақсадида «Бинафшлар дўбири», талабалар ҳаётига бағишланган «Олтин давр» ҳамда оилавий муносабатлар, шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида эришилаётган ютуқлар акс эттирилган «Қисмат битиги» номли хар бири 20 қисмдан иборат сериалларни суратга олишни қўзда тутиб.

Шухрат Хўжаев.

Ҳуқуқий эксперимент

Аҳолининг ахборот олишдаги фаоллиги ошмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бу муҳим тадбир жами 179 та субъектда олиб борилаётган бўлса, шундан 88 таси Бухорода, 91 таси эса Самарқанд вилоятидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидир. Миллий қонунчилик амалиётида биринчи марта ўтказилаётган муҳим тадбирнинг тайёрлик босқичи даврида вилоят ҳокимликлари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари аппарати ходимлари учун туркум семинар-тренинглари ўтказилиб, йўриқномалар тарқатилгани бугунга келиб ўз самарасини бераётган, десак муболаға бўлмайди.



Зилола СОБИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Семинар-тренинглари давомида мунтазам йўриқнома ва низом лойиҳаларининг тартибот материаллари сифатида тарқатилгани ҳам субъект интирокчилари фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, бошқа сиёсий партиялар қатори O'zLiDeP ҳам ҳуқуқий эксперимент жараёнида синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳаси нормаларини маромига етказиш масаласига жиддий эътибор қаратаётган. Зеро, партия электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар давлат ва ҳўжалик бошқаруви тизимини демократлаштириш борасидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилиши ва унинг янада либераллаштирилишидан бошқа соҳа эгаларидан кўра кўпроқ манфаатдордирлар. Бундай ислохотлар, шубҳасиз, уларга мавжуд имкониятлар ва ишчанлик қобилиятини тўла рўёбга чиқариш, хусусий мулкни сақлаш ва кўпайтиришнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Ана шундай ёндашув партияимизнинг Сайловчилик платформасида ҳам ўз аксини топган.

Шу ўринда эксперимент доирасида кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ходимларини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш, журналистлар томонидан эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг раҳбарларига бевосита саволлар йўллаш, Ишчи комиссия аъзолари, экспертлар ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятини берувчи махсус Интернет-сайт (www.legalexperiment.uz) ташкил этилганини ҳам таъкидлаш мумкин.

Бу сайтга маълумотлар тақдим этиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари учун махсус тренинглари ҳам ташкил этилди. Натижада уларнинг ишлари сезиларли даражада энгиллашиб, ўз навба-

тида, қонун лойиҳаси нормалари ижроси юзасидан асосли хулосалар ишлаб чиқиш имкониятлари кенгайди. Кези келганда, экспериментни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида изчил ёритишга доир медиа-режа ишлаб чиқилгани ва шу асосда кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётганига эътибор қаратиш зарур. Хусусан, ҳуқуқий эксперимент бошланган кундан бошлаб ўтган давр давомида бу мавзуда 643 дан ортиқ турли мақола ва ахборот эълон қилинди. Уларнинг 285 таси босма нашрлар, 93 таси Интернет ресурсларида ёритилди. Республика ва маҳаллий телерадиоканаллари орқали эса 349 та кўрсатув ва репортаж намойиш этилди.

Ҳуқуқий эксперимент бошланганидан буён Бухоро ва Самарқанд вилоятларида аҳолининг ахборот олиш борасидаги фаоллиги кескин ошганини таҳлилчилар алоҳида эътироф эта-яптилар. Бунга жойларда сўровлар сонининг кўпайгани ҳам мисол бўлиши мумкин. Яъни, ахборотдан фойдаланувчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида маълумот олиш бўйича сўровлар юбориш усулидан кенг фойдаланмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, шу пайтгача жами 851 сўров келиб тушгани ва уларга жавоб қайтарилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Муҳими, тушган сўровлар — у жисмоний шахсан буладими (кўриб чиқиш мuddати 15 кун) ёки ОАВлардан бўладими (кўриб чиқиш мuddати 7 кун), қонун лойиҳасида белгиланган мuddатларда жавоб қайтарилганига эришилапти. Хулоса қилиб айтганда, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қўлла-нилаётган ҳуқуқий эксперимент қисқа вақт давомида ижобий натижалар бера-япти.

ХАБАРЛАР

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВГА



автобусларнинг қолган 70 таси октябрь-ноябрь ойларида олиб келинишини хабар қилмоқдалар.

Маълумки, «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси билан «EvoBus GmbH» (Германия) компанияси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ пойтахтимизга 100 дон «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли автобус ва улар учун зарур эътиёт қисмлар келтирилиши ҳақида хабар бергандик. Маълумотларга кўра, кун кеча ана шу автобусларнинг 17 таси пойтахтимизга келтирилган. 13 тасини эса Мустақиллик байрамига қадар, яъни 31 августгача олиб келиш қўзда тутилмоқда. Уюшма ходимлари қиймати 14 миллион еврога тенг бўлган ушбу шартномага мувофиқ, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол қўлла-нилаётган ҳуқуқий эксперимент қисқа вақт давомида ижобий натижалар бера-япти.

ОРОМҒОҲ — ТАРБИЯ МАСКАНИ

Сирдарё вилоятида ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобига олинган ўсмирларни соғлом ҳаётга қайтариш, ўқувчиларнинг ёзги таътили мароқли ўтишини таъминлашга йўналтирилган хабарий-спорт оромгоҳи ташкил этилди. Вилоят халқ таълими ва ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган оромгоҳга 70 нафардан ортиқ бола жалб этилган. — Ёзги таътил даврида вилоятимиздаги 6 доимий ва 13 кундузги оромгоҳда қарийб 5 мингдан ортиқ ўқувчи хордиқ чикарди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси Зулфия Нейматова. — Улар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ҳуқуқ-тартибот идоралари профилактик ҳисобига турган оилалар фарзандлари ҳам бор. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу оромгоҳда ўсмирлар тегишли идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилаётган турли учрашувлар, мулоқотларда қатнашмоқда. Оромгоҳда энгил атлетика, шахмат-шашка, кураш, футбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Фан ва турли касб тўғрақлари фаолияти мунтазам йўлга қўйилган. Олимпилар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан ўтказилаётган учрашувларда ёшларимизнинг ижодий салоҳиятини намён этиши, санъат ва адабиётга бўлган қизиқишини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дам олиш ва тарбиявий тадбирлар сўнггида 58 нафар воғга етмаганлар ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидан чиқаришга тавсия этилди. А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎЗА муҳбири.

Иқтисодий барқарорлик омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Миродил АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI asr»

Парламент қўйи палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасида эса бу борада ўндан ортиқ давра суҳбатлари, очиқ мулоқот ва сайёр йиғилишлар уюштирилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўринбосарлари, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси раҳбарларининг мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш самардорлигини ошириш, интенсив боғ ва тоқзорлар яратиш, 2012 ва 2013 йилнинг биринчи чорагида мева-сабзавот маҳсулотлари, полиз ва узум етиштириш прогноз кўрсаткичларини бажаришга қаратилган иқтисодий ислохотлар, қайта ишлаш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган давлат дастурларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларига бағишланган қўмита ешитувлари ҳам ўтказилдики, уларда бугунги натижаларга қарамай, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум ишлаб чиқариши, уларни қайта ишлаш самардорлигини янада ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилган амалий тақлиф ва тавсиялар юзасидан тегишли қоралар қабул қилинмоқда.

Тахлилчиларнинг фикрича, депутатлар корпусининг ушбу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Истиқболнинг дастлабки йилларида бошланган илчил ислохотлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари замирида ушбу соҳага эътиборини янада кучайтириш талаби мумкин. Бу эса аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бугунга келиб янада долзарб аҳамият касб эта бошлаганини аниқлатади. Маълумки, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда қўлай имкониятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилишга эътибор янада кучайтириляпти.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат екинлари екиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадига пахта экиладиган майдонлар қисқартирилиб, ер майдонлари кенгайтирилди. Замонавий сув тежайдиган технологияларни тўлиқ жойи этган ҳолда 8 минг гектардан ортиқ интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Экспертларнинг фикрича, улар Европа мамлакатларидаги боғлар билан бемалол рақобатлаша олади. Президентимизнинг «2013-2015 йилларда узумчилик соҳасини такомиллашти-



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

тириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 мартдаги қарорига кўра, 2014 йилда Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида сув билан таъминланганлик даражаси паст бўлган галла экин майдонлари ўрнида янги тоқзорлар барпо этиш белгиланган бўлиши мумкин. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалаларига қаратилган амалий тақлиф ва тавсиялар юзасидан тегишли қоралар қабул қилинмоқда.

Тахлилчиларнинг фикрича, депутатлар корпусининг ушбу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Истиқболнинг дастлабки йилларида бошланган илчил ислохотлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари замирида ушбу соҳага эътиборини янада кучайтириш талаби мумкин. Бу эса аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бугунга келиб янада долзарб аҳамият касб эта бошлаганини аниқлатади. Маълумки, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда қўлай имкониятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ва экспорт қилишга эътибор янада кучайтириляпти.

Тешабоев. — Натижада тармоқда ишлаб чиқаришни 2,5 баравар оширишга эришилди. Бундан ташқари, ўтган беш йил давомида 1,5 минг гектар майдонда 12 мингга яқин иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, уларнинг 80,6 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон юқори сифатли мева, сабзавот, узум ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун жуда қўлай иқлим шартинга эга. Шу билан бирга, юқори даромадли ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланишига янги имкониятлар яратишига таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон юқори сифатли мева, сабзавот, узум ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун жуда қўлай иқлим шартинга эга. Шу билан бирга, юқори даромадли ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланишига янги имкониятлар яратишига таъсир қилмоқда.

Шу ўринда депутатлар томонидан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги 12 та корхона, 36 та фермер ва 15 та деҳқон ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва саклашга ихтисослашган совутиш омборлари эга 28 та корхона фаолияти атроф-

лича ўрганилганини таъкидлаш лозим.

Айни пайтда барча тоифадаги ҳўжаликларимизда 250 минг гектар боғ ва 127 минг гектар узумзор мавжуд. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида яна 6,7 минг гектар майдонда янги боғ, 6,8 минг гектарда узумзор барпо этиш, қарий 11 минг гектар майдондаги боғ ва узумзорларни қайта тиклаш белгиланган. Бу эса аграр ислохотлар муваффақияти унинг изчиллигида эканидан далалат беради.

Соҳа мутасаддиларининг фикрига кўра, кейинги 10 йилда аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш 2 баравар, мева 2,4, узум 2,6, полиз 2,1 бараварга ошган. Натижада Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида аҳоли жон бошига сабзавот ва узум етиштириш бўйича етакчилар қаторидан жой олди. Мева-сабзавот ва узумчилик тармоқларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Бу борадаги ўсиш 2009 йилга нисбатан 3 бараварни ташкил этаёттир. Хусусан, 2012 йилда

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИ ТАШВИШГА СОЛАётган БИР ҚАТОР МУАММОЛАРГА ҚАРАМАЙ, ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЙИНГИ 10 ЙИЛДА САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ ЕТИШТИРИШГА АЖРАТИЛГАН ЕР МАЙДОНИ 1,3 БАРАВАР, БОҒ ВА УЗУМЗОРЛАР УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕРЛАР ЭСА 1,2 БАРАВАР КЕНГАЙДИ



O'ZLIDeP ANA SHU MUХИМ ХУЖЖАТНИНГ ҚАТЪИЙ ИЖРО ЭТИЛИШИНИ, ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОРҚАЛИ ҚАРОРДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИМАЛАРНИ ҲАЁТИМИЗГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ УЧУН ЭЪТИБОРНИ ИЛТИМОС ҚИЛАЙДИ.



Қарор тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада оширади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ КўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ КўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ги ҚАРОРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУХИМ ХУЖЖАТ БўЛДИ



Полянте СВЕШНИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'ZLiDeP фракцияси аъзоси:

— Шахсан мен мазкур қарорни тадбиркор ва ишбилармонлар учун Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб туҳфа бўлди, деб ҳисоблайман.

Махсус жамғарма фаолиятининг йўлга қўйилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кенгайтириб, чет эл бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш ва уларни экспорт қилишга кенг йўл очди. Зеро, қарорда белгиланганидек, зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ишларда кўмаклашиш, маҳаллий тадбиркорлар-экспортёрларни ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари таваккалчиликларидан ишончли ҳимоя қилишда бу жамғарманинг ўрни муҳим бўлади.

Масалан, мазкур тузилма ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, талабнинг жорий ва истиқболли конъюнктурасини ўрнини, маҳаллий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экспорт учун қўшимча имкониятларни аниқлаш билан шуғулланади.

Энг асосийси эса жамғарма кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турли ва номенклатураси тақлидини ўтказиш, унинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги даражасини белгилайди, тегили маълумотлар базасини шакллантириб, шу асосда ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотларининг жаҳон ва минтақа бозорларидаги талабга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқари.

Бундан ташқари, жамғарма тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокчини кенгайтириш, шунингдек, ярмаркалар, давра суҳбатлари ташкил этиш орқали мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш каби чора-тадбирларни амалга ошириши қарорда белгиланган бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, O'ZLiDeP ана шу муҳим ҳужжатнинг қатъий ижро этилишини, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш орқали қарорда белгиланган вазибаларни ҳаётимизга изчил таъбиқ этилиши учун эътиборни илтимос қилади.

ХАБАРЛАР

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА САМАРАСИ
2012 йили Наманган вилоятида O'ZLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳаси иштирокчилари жами 394 миллион сўм кредит олиб, 64 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлгандилар.
Бу йил эса партиявий лойиҳада 800 дан ортиқ фуқаро иштирок этиб, уларнинг 79 нафари вилоят бўйсича йўналма олдди.
— Лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарлар биз учун жуда фойдали бўлди, — дейди Наманган туманилик Зебохон Алова. — Энг асосийси, тадбиркорликка оид янги қонунлар билан танидик. Мутахассислар кўмагида бизнес-режа тузиш, банклардан кредит олиш масалаларида кўнмага эга бўлдик. Ҳозир яқна тартибдаги тадбиркор сифатида тижувчилик билан шуғулланаман. Семинар давомида олган билимларимдан фойдаланиб, ишимни оилавий корхона шаклида давом эттиришга қарор қилдим.
Семинар якунида қолибларга тижувчи банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

БОШ ШАҲАРДА — КАТТА ҲАШАР

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан август ойи пойтахтимизда ободонлаштириш ва тозалик ойм деб эълон қилинди. 24-25 август кунлари эса пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилмади бўлди.
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида ташкил этиладиган олийк доирасида туман ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, таълим муассасалари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар томонидан маҳаллалар, кўп қаватли бинолар ва ховлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зийратгоҳлар ва кабристонлар ҳамда ариқлар, кўча, йўлак ва лотоклар, оқова сув кудуқлари тозаланади. Болалар майдончалари тартибга келтирилиб, барча турар-жой мавзелари, маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экилади.
Маълум бўлишича, 2013 йилнинг 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарининг ўтказилиши муносибати билан мулкчилик шаклидан қатъий назар пойтахтимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш хақи миқдоридagi маблағлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Маҳаллийлаштириш гастропу

ЧИРОҚЧИ КВАРЦИТИ — ЭКСПОРТГА

2013 йил бошида Чироқчида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш борасида қабул қилинган махсус дастурини изчил амалга ошириш учун 79200,1 миллион сўм маблаг сарфлаш кўзда тутилган эди. Утган олти ойда ана шу маблагнинг тенг ярми ўзлаштирилиб, янгидан-янги объектлар ишга туширилди. Мавжуд корхоналарда модернизация ишлари олиб борилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, экспортбон маҳсулотлар тайёрлаш, оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш эвазига эса уч мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

— Нобё қурилиш хом ашёси — дала шпати ва кварцит ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Чироқчи-кварц» корхонаси фаолияти ҳам ана шу дастур асосида йўлга қўйилди, — дейди Савдо-саноат палатасининг ахборот-консалтинг маркази раҳбари, O'ZLiDeP туман кенгаши раисининг ўринбосари Фарҳод Элмуродов. — Бу хом ашёдан 2 минг даража хароратга чидамли қолиплар ҳамда кўёш батареялари учун электрон ўтказгичлар тайёрлашда фойдаланилади. Маҳсулотлар «Пенг-шенг» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, «Осийёни-пласт» масъулияти чекланган жамияти, Тошкент қурилиш моллари комбинатига етказиб берилмоқда. Тахлиллар йилига 10 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 200 миллион сўм соф фойда олинишини кўрсатаёпти. Корхона ишга тушганидан кейин эллик нафар кишининг бандлиги таъминланган бўлса, шундан ўн бир нафари касб-ҳунар коллежлари биттирувчисиدير.
Маҳаллийлаштириш дастури асосида яратилган имтиёزلардан самарали фойдаланган ҳолда тежаб қўлинган маблаг ҳисобига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот ҳажминини ошириш борасида қатор техника ва ускуналар харид қилинди. Натижада Лангар худудидagi ана бир кон ўзлаштирилиб, 10 та янги иш ўрни яратилди. Эндиликда нобё қурилиш хом ашёси Қозғонистон ва Туркманистонга экспорт қилинаёттир.
Чироқчидаги ўзгаришлар шугина эмас. Туман аҳолисини арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида «Чорвадор» ММТП худудига тадбиркор Анвар Яхшибоев ташаббуси билан 6 миллион дона шишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод иш бошлади. Шунингдек, «Лаззат» масъулияти чекланган жамиятида ҳар куни 2500 дона сифатли қолипни нон ва ўнга яқин қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.
— Туманимизда хунармандчилик ҳам кенг қулоч ёймоқда, — дейди «Шухрат» медали соҳибаси, Чироқчи гиламчилик мактаби асосчиси Салтанат Қўлдошева. — Момоларимиз кўлида сайқал топган хунарлар истиқлол шарофати билан қайта тикланди. Моҳир хунармандлардан София Доллиева ва Ҳанифа Хидирова билан биргаликда ўттизга яқин гилам тури бўлганини аниқладик ва ҳозиргача ўн иккитасини қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Айниқса, ғажари, араби, қиз, жулғурси, терма, қоқма гиламлари жуда харидорғир. Улар Тошкент, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд бозорларида сотилаётганлиги ҳам тажриба ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини аниқлатади. Энг муҳими, туманда хотин-қизлар бандлиги кескин ортди, рўзгорларига эса барака кириб, ёшларда хунар ўрганиш иштиёқи пайдо бўлди.

Сайфулла ИКРОМОВ.



Марказнинг диққат марказидаги масалалар

О'ZLIDER ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВЛДИ ПЛАТФОРМАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР АСОСИДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Хўш, О'zLiDePнинг энг муҳим «қанот»ига айланаётган ушбу ташкилот 2013 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича қандай натижаларга эришти? Марказ томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирлар қандай самара берди?

Марказ директори А.Алимовнинг қайд этишича, ўтган олти ой мобайнида хусусий сектор вакилларига грант маблағлари ажратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Хусусан, қишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг II босқичи доирасидаги «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консултатив хизматлар кўрсатиш» тадбирлари якунига етказилган. «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Мулкдор оила» сингари партиявий лойиҳалар эса изчил давом эттириляпти. Эътиборли томони шундаки, ҳисобот даврида марказга келиб тушган 15 та ариза ва мурожаатнинг деярли барчаси тегишли ишлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилган.

Мутахассис ва экспертлар ҳам марказнинг О'zLiDeP Сийёси Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида «Гаров реестри» фаровонлигини ошириш ва кичик бизнесни ривожлантириш омили» мавзусида ташкил этган очик амалий мулоқотлари ҳам қўйилган самара берганини таъкидламоқдалар. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳа-

си атрофича муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан жами 29 та амалий таклиф тайёрланди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясига тақдим этилди.

Айни шу мавзудаги мулоқотлар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ҳам тизимли равишда уюштирилиб, уларда жами 365 нафар электротар вакили қатнашди. Билирилган фикр-мулоҳазалар асосида 21 та таклиф жамланди.

«Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирларнинг якунига етказилган. «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консултатив хизматлар кўрсатиш» тадбирлари якунига етказилган. «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Мулкдор оила» сингари партиявий лойиҳалар эса изчил давом эттириляпти. Эътиборли томони шундаки, ҳисобот даврида марказга келиб тушган 15 та ариза ва мурожаатнинг деярли барчаси тегишли ишлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилган.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш» грант талловларида марказ «Мулкдор оила» лойиҳаси билан иштирок этиб, голиб чиққани эса унинг фаолият доираси ва иш самардорлиги тобора кенгайиб бораётганини аниқлатади.

Истиқлол нуридан мунаввар воҳа

МУСТАҚИЛЛИК — АСРЛАРГА ТАТИЙДИГАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН БЕБАҲО ҚАДРИЯТ. УНИНГ АСЛ МОҲИЯТИНИ ТўЛА ИДРОК ЭТМОҚ УЧУН ЯҚИН ЎТМИШ БИЛАН БУГУНГИ КУН НАТИЖАЛАРИНИ ҚИЁСЛАШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Ўзбекистон тарихан қисқа давр — 22 йил мобайнида қийин ва шарафли йўлни босиб ўтиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, тараққиётнинг ойна манзилга чиқиб олди. Энг асосийси, истиқлол тақдири қил устида турган таҳликали қунарларда ҳам мамлакатимиз ёрдам учун четга кўз тикмади. Биласиз, ҳозиргача қайси соҳада нимагаки эришилган бўлса, барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислоҳотлар, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойи инсонларнинг метин иродаси ва ҳалол меҳнати самарасидир.

— Чиндан ҳам мустақиллик йиллари мамлакатимизда асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Буни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зоир Мирзаев. — Бу борда Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва иқтисодий-ижтимоий соҳани либераллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, улар изчил ҳаётга жорий этилаётгани иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш, диверсификациялаш ҳамда таркибий жиҳатдан янгиланишида муҳим омил бўляпти.

Эътибор беринг: сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати қариб тўрт бараварини ташкил этди. Бу борда ҳудудларнинг ҳам муносиб ўрни бор.

2013 йилнинг олти ойида вилоят иқтисодиётида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 10,6 фоизга ўсди.

Ишлаб чиқариш ҳажми қишлоқ ҳўжалигида 6,6, қурилиш-пудрат ишларида 10,1, чакана савдо айланмасида 16,2, жами хизматларда 20,6 ва пуллик хизматлар кўрсатишда 14,7 фоизга ўсди.

Тармоқ ва корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадлари учун ўзлаштирилган 540,9 млрд. сўмлик инвестициялар санати 13,9 фоизга ўстириш иқтисодий бертанини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Натижада аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 282,7 минг сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,5 минг сўмга ошди. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан эса 55,2 млн. АҚШ долларини миқдорлиги маҳсулот экспорт қилинди.

Бугун вилоятдаги 450 та кор-

хона дунёнинг 130 га яқин мамлакати билан иқтисодий муносабатлар ўрнатган. Экспортнинг асосий қисми Россия, Қозғистон, Туркия, Эрон, Украина, Ироқ, Австралия, Хитой, Виржиния ороллари, Молдова давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини учун яратиб берилган шарт ва преференциялар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 70,9 фоизни ташкил этганини таъкидлаш мумкин. Тасдиқланган дастурлар доирасида қишлоқ жойларида 72 та чакана савдо, 28 та умумий овуқатланиш, 102 та маиший хизмат объектлари ишга туширилди.

Азму шикоятчи қатъий самарқандликларнинг келгусидаги режалари янада катта. Хусусан, вилояти 2013-2015 йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 224 млн. АҚШ долларига тенг бўлган жами 452 та лойиҳани амалга ошириш ва шу ҳисобдан қўшимча 9530 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутиляпти. Жорий йилнинг ўзида уларнинг аксарияти рўбга чиқариляпти. Дастур доирасида халқ ҳўжалигига жами 8,5 млн. доллар миқдоридеги хоржий инвестициялар киритилди. Бу эса турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш йўлидаги яна бир хайрли қалам бўлиши шак-шубҳасиздир.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан эса амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жами 48 минг 680 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 38,9 мингдан ортиги қишлоқ жойларида ташкил этилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга ошди, 2684,9 млрд. сўмга эди.

Эътиборли томони, сўнгги йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида қишлоқ ҳўжалиги улуши 2,3 фоизга камайди. Саноат корхоналарига инвестицияларни кенг жалб этиш натижасида ишлаб чиқариш тобора кенгаймоқда. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улуши ўтган йили 10,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 17,2 фоизга эди.

Ислоҳотлар туфайли бугун нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларимиз ҳам замонавий қиёфа касб этмоқда.

Хусусан, қишлоқ жойларидаги 28 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 1050 та уй-жойлар қурилиши бўйича нисбатан олиб борилгани, бугунгача 63 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, қурилиш ишларининг 43 фоизи амалга оширилганини таъкидлаш жоиз.

— Биз, самарқандликлар яна

бир нарса билан фахрланасан арзайди. — дейди вилоят ҳокими Иқтисодиёт бош бошқармаси бўлим бошлиғи Дилшод Шакарбоев. — Мустақиллик йилларида шаҳарда машинасозлик тармоғига асос солиниб, ялпи ишлаб чиқаришда ушбу соҳанинг улуши 12,5 фоиздан 19,3 фоизга ошди. Қолаверса, кимё саноати ҳам изчил ривожланиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Саноат корхоналаридаги эскирган ускуна ва технологиялар ўрнига замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар ўрнатилгач, жаҳон андошларига мос маҳсулот тайёрлаш имконияти туғилди. Жумладан, трикотаж ва чинни буюмлар, мебелсозлик, тўқимачилик ва агротех буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида мавжуд ускуналарнинг 60-90 фоизи янгилангани диққатга сазовор.

Вилоятда юк автомобиллари ва автобуслар, рўзгор шиша идишлари, электр жиҳозлари, калып, атирсовун, янги турдаги гилам ва палослар, замонавий мебеллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда 30 дан зиёд йирик корхона ана шу йўналишда фаолият юритмоқда.

Жойлардаги қўнима корхоналар сони етмишга етиб қолди. Улар томонидан йилга салкам 1 триллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Бу эса жами саноат маҳсулотларининг 38,4 фоизини ташкил этади. Яқин вақтларга гилам-палослар вилоятга асосан четдан келтирилар эди. Эндиликда бунга асло ҳолат йўқ. Соҳага ихтисослаштирилган 34 корхонада ўтган йили жами 17,6 млн. кв. метр гилам ишлаб чиқарилиб, 2008 йилга нисбатан 1,5 баравар ўсишга эришилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида вилоятда совутичлар, музлатгичлар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, кондиционерлар, автоприцеплар, уч гилдиракли мотоцикллар, мева-сабзавот қуритиш ускуналари, спорт ва тиббиёт жиҳозларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Булунғурдаги «Ҳамидобод Имкон» МЧЖ, Самарқанд туманидаги «Сам Рос Холод», Жомбойдаги «Жомбой жавоҳири», Ургутдаги «Арфа Экспрел», шунингдек, «Сам Нур Тафвиз» қўнима корхоналарида кенг халқ истеъмолчи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Мамакатимиз қишлоқ ҳўжалик тизимида эришилаётган ютуқларда вилоят фермерларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Айни кунда 406,4 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, республикада тайёр-

ланадиган пахтанинг салкам 7 фоизи, ғаланинг 12 фоизи етиштирилмоқда. Бу йил вилоят бўлимида ғаллачилик соҳасида ҳам юқори натижаларга эришилди. 701,4 минг тонна дон етиштирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 59 минг тонна кўп, демакдир. Вилоятда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, мақсадида 2008-2012 йилларда 6000 км. узунликдаги ариқ-зовурларни таъмирлаш, қайта реконструкция қилиш учун салкам 24 млрд. сўм маблағ сарфлангани ҳам муҳим омил бўлди. Натижада қарийб 73 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорликни анча оширишга эришилди.

Олис ҳудудларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган қўллаб-қичик корхоналар барпо этилмоқда. Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўзида тўққизта лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг аксарияти мева, гўшт ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган. Бугун юртимизнинг турли гушларида қуриляётган замонавий уй-жойларга ҳавас қилса арзийди. Чунки улар ҳар жиҳатдан қулай ва кўркамдир. 2009 йилда вилоятга 60 та, 2010 йилда 650 та, 2011 йилда 695 та ва 2012 йилда 900 та уй-жой қуриб битказилди. Жорий йил охиригача 146 млрд. сўм маблағни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Саломатлик — туман бойлик. Аслида ҳам шундай. Ҳозиргача 34,2 млн. сўм маблағ сарфланиб, вилоятдаги 12 та касалхона қайта таъмирланди. Самарқанд шаҳрида консултатив-диагностика поликлиникаси, янги туғруқхоналар, Каттақўрғон шаҳрида иккита поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пай-арик туман шифохонасининг даволаш корпуси, Самарқанд туманидаги терапия мажмуаси, Нурободдаги марказий шифохона, Ургутдаги консултатив-поликлиника, Тайлоқ марказий поликлиникаси ва Пастларғомдаги даволаш тармоғи ҳам айнан кейинги йилларда барпо этилди.

— Болалар спортини ривожлантириш аини кундаги муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда 54,9 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиб, 20 та спорт иншооти барпо этилди, — дейди вилоят маланият ва спорт ишлари бошқармаси бошчилигининг ўринбосари Шухрат Рўзиев. — Ҳозиргача улардан 13 таси тўла фойдаланишга топширилди. Туртта янги мусика мактаби қурилиб, иккита мусика мактаби қайта таъмирланди.

Ҳа, чиндан ҳам Самарқандга ана шундай қувончли натижаларга эришилиб, аҳоли фаровонлиги таъминланаяпти. Бу, шубҳасиз, истиқлол шарофатидандир.

2013 йилнинг олти ойида вилоят иқтисодиётида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 10,6 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажми қишлоқ ҳўжалигида 6,6, қурилиш-пудрат ишларида 10,1, чакана савдо айланмасида 16,2, жами хизматларда 20,6 ва пуллик хизматлар кўрсатишда 14,7 фоизга ўсди.



ХАБАРЛАР

АНДИЖОНДА БАЙРАМ БОШЛАНДИ
Истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами арафасида Андижон шаҳрида узунлиги 2 км. га тенг «Истиқлол» ва «Миллий тикланиш» кўчалари фойдаланишга топширилди. Қурувчиларнинг маълум қилишларича, қисқа фурсатда таъмирдан чиқарилган кўчаларга 128 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Аҳамиятисиз, ҳар икки кўчада 97 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш бошлаб, 400 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 50 фоизига коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди. Андижон шаҳар ҳокимлиги мугасадчилари бундай ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳарнинг яна 6 та кўчасида давом этаётганини таъкидламоқдалар. Аҳоржон МУСУРМОНОВ.

ИККИНЧИ ТУҒИЛИШ
Гарчи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни мамлакатимиз иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмаган бўлса-да, хорж билан ҳамкорлик қилаётган корхоналар фаолиятида яққол сезилди. Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидеги «АГАМА» ана шундай ташкилотлардан биридир. Фақатгина тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган қарорлар фаолиятни қайта тиклаш, вазиятни соғломлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайлигина корхона қайта тутилди. Ундан зиёд тижувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхонада бугун иш мароми изга тушди. Иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, 2012 йилнинг биринчи ярмида 1 миллиард 515 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, «Обод турмуш йили»нинг шу даврида ушбу кўрсаткич 3 миллиард 537 миллион сўмни ташкил этди. 250 нафарга яқин ишчи-хизматчи икки сменада меҳнат қилаётган корхонада янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зарафшон саноат корхона коллежи билан яқин ҳамкорлик ўрнатилганини боис ҳар йили ўқув юрти битирувчилари жамоа сафини тўлдирмоқда. Энг асосийси, бозор талабларига қатъий риоя қилиб, сифатли ва рақобатдор маҳсулотлар ишлаб чиқараётган улкан жамоа жаҳон бозорини забт этишга интиляпти. Мансур АСЛОНОВ.

СИРДАРЁ



Гулистон шаҳридаги «Машхура Шерзод» корхонасидаги БПТда «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш орқали турли таҳдидларга қарши курашишда қуйи бўғунлар фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

ЖИЗЗАХ



«Ёшлар бугун келажакка ишонч билан қарамоқда ва ҳеч қачон Ўзбекистон талғани йўлидан қайтмайди». Арнасой тумани Молия бўлимидаги бошланғич ташкилотда ўтказилган тадбир шундай номланди. Унда «Обод турмуш йили»да ёшларни ихтисос ва қизиқишларига қараб иш билан таъминлаш, бу борадаги муаммоларни партиё депутатлик гуруҳларида ўрганиб чиқиб, ҳал қилиш масалалари хусусида сўз юритилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 15 август, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



ФАФУРЖОН УН БИШГА УНИН ҚУШМОҚЧИ

Беруний туманида тадбиркорликка қўл уриб, обрў-эътибор қозонаётган фидойи инсонлар қаторида 1998 йилдан буён кийим-кечак ишлаб чиқарётган «Фафур Бобоҷонов» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Бобоҷонов ҳам бор.

Ф.Бобоҷонов айти пайтда «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидан иш олиб бораётган БПТ етакчиси ҳамдир. Унинг саяё-ҳаракатлари билан маҳалладаги партиё аъзолари сони бир йилда уч бараварга кўпайди.

Шу ўринда Фафуржоннинг 2008 йили «Ташаббус» кўрик-танловида катнашиб, «Энг замонавий кийим дизайни» номинацияси бўйича совриндор бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. У ҳозир хориж технологиясини харид қилиб, «Микрокредитбанк»нинг 40 миллион сўмлик кредити эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтирди.

Натижада кичик корхонада ишлаётганлар сони 15 нафарга етди.

— Мен 2002 йилдан буён партиёнинг ғоя ва мақсадларини тарғиб этиб келаяман, — дейди Ф.Бобоҷонов. — Зеро, катта обрўга эга партиё сафида бўлиш кучимизга куч қўшади. Бошқаларга ўрнак бўлиш учун ҳам келгусида корхона фаолиятини кенгайтириб, яна 10 та янги иш ўрни ташкил этишни режалаштираман.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ.



СЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини Тайлоқ, Жомбой ва Булунгур туманларидаги ижроси муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фикрича, дунёнинг кўп қисми давлатларида аллақачон жиддий муаммага айланган сувдан тежаб-терғаб фойдаланиш масаласида давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Жаҳон олимларининг фикрича, ер ости сувларига нисбатан биологик назорат ўрнатилмаслиги оқибатида кудуқларга тушадиган чинқиндилар ер ости сувларига аралашиб кетиши натижасида 20-30 км. масофадаги сувни ифлослантириши мумкин.

— Сув ресурслари чегаралангани баробарида дунёда аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Бахтиёр Хўжаёров. — Бугун қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ривожини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ижросини доимо ўрганиш, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига жиддий муносабат бидиришимиз керак.

Йиғилишда муҳокама этилган масаланинг муҳимлигини келиб чиқиб, уни халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишга қарор қилинди.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Бир ёқадан бош чиқариб...

ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР ФАОЛИ, У ДЕПУТАТ ЁКИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АЪЗОСИ БЎЛАДИМИ, САЙЛОВЧИ ИШОНЧНИ ҚОЗОНА ОЛМАСА, ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИГА БЕФАРҚ ҚАРАСА, ЎЗ ПАРТИЯСИНИНГ СИЁСИЙ МАЙДОНДАГИ ОБРЎСИГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Айти пайтда О'zLiDeP Қизилтепа туман кенгаши мутасаддилари ана шундай мезон асосида фаолият олиб бормоқдалар.

О'ZLIDEP ДАСТУРИДАН

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲАР ТОМОНЛАМА МИМЛОНДОН, СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА, МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАРГА ЭГА БЎЛГАН, ПАРТИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ ВА БОШҚА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ҚОДИР, ОБРЎЛИ ВА ЖОНКУЯР ШАХСЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА БИРЛАШИШИДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ.

Кенгаш раиси ўринбосари Дониёр Муродовнинг таъкидлашича, халқ депутатлари туман кенгашидаги саккиз нафар депутат томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Туман маркази ва қишлоқлар кўчаларини тартибга келтириш ва асфальтлаш» ҳамда «Аҳолига коммунал, маиший ва сервис хизмати кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги масалалар туман кенгаши сессиясига киритилиб, ижобий натижага эришилди.

Туман ташкилотлари раҳбарлари бўлган уч нафар депутат ташаб-

буси билан қисқа фурсатда 50 дан зиёд иш ўрни яратилди. Вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарларига эса депутатлар томонидан йигирмага яқин депутатлик сўрови жўнатилди. Уларда қонунлар ижроси, ҳудудий дастурларга оид ишлар, туман тадбиркорларини мавжуд имтиёзлар асосида қўллаб-қувватлаш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳа, чиндан ҳам 527 нафар партиё аъзоси бўлган Қизилтепа туманида маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан партиёнинг ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ бўлганлар билан турли мавзуларда учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш яхши анъанага айланди. Партиёнинг асоси бўлган қуйи бўғунларда эса олти ойлик фаолият сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинмоқда.

— 32 та бошланғич ташкилотга бирлашган аъзоларимиз жойларда



тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтираётганлар, — дейди Дониёр Муродов. — Шу кунларда энг фаол БПТ аъзолари мустақиллигимизнинг қутлуғ 22 йиллик тўйини кўтариш руҳда ўтказиш мақсадида меҳнат жамоаларида бўлиб, жонли мулоқот ва учрашувлар ўтказяптилар.

Ана шундай тадбирлардан бири

туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда бўлим бошиги Таваккал Нўймонов сўзга чиқиб, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарига баён этилган мулоҳазалар ҳар бир фуқаро учун кечаги кун билан бугунги натижаларни қислашда ниҳоятда муҳим манба эканини таъ-

кидлади. Депутатлар ва бошланғич ташкилот фаолларининг ана шундай учрашувлари, поанъанавий услубдаги тадбирлари Қизилтепада О'zLiDeP аъзолари сонининг кўпайишига ҳам олиб келаяпти.

Маълумотларга қараганда, ўтган олти ойда туманда партиё аъзолари сони 106 нафар, қуйи ташкилотлар сони эса бештага кўпайган.

«САНАМ»НИНГ ЧЕВАРЛАРИ — БИТ ФАОЛЛАРИ



«Санам» масъулияти чекланган жамиятида иш олиб бораётган О'zLiDeP бошланғич ташкилотнинг навбатдаги йиғилишида БПТ раиси Ҳалима Якубованинг 2013 йилнинг ўтган давридаги ҳисоботи эшитилди.

Тадбирда 55 нафардан ортиқ партиё аъзосини бирлаштирган БПТнинг жамоат ишларида ҳам фаолигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Айти пайтда жамиятда 400 га яқин киши меҳнат қиляпти. Уларнинг 50 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиси, — дейди Ҳалима Якубова. — Бундан ташқари 70 нафар хотин-қиз бусаначилик орқали иш билан таъминланган.

Чиндан ҳам Қарши шаҳрида ёшларни иш билан таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини ёндашиляпти. Масалан, Япония ва Хитойнинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган 80 та энг сўнги русумдаги тикув машиналари келтирилгани иш ўринлари сонини кескин ошириш имконини берди. Олинаятган фойда эса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлигини оширишга қаратилляпти. Хусусан, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бепул тушлик ташкил қилинган.

— Сергайрат жамоамиз мустақиллигимизнинг 22 йиллигини улкан ютуқлар билан қутиб олишга интилимда, — дейди БПТ етакчиси. — Бунинг учун партиё ишини янада жонлантириш, жойларда либерал-демократик ғоялар тарғиботини қучайтириш, хотин-қизларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш олдимиздаги катта вазифалардан биридир.

Айти пайтда қуйи бўғун аъзолари жойларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилаётган тарғибот ишларида ҳам фаол катнашаётганлар.

Сайфулла ИКРОМОВ.

АСРИЙ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ



Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида О'zLiDePнинг худудий кенгашлари томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида туркум тадбирлар ўтказилиб, уларда асосий эътибор истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланишда партиё фаоллари зиммасидаги масъулиятни янада ошириш масалаларига қаратилмоқда.

Ана шундай учрашув Навоий иссиқлик электр станцияси очик турдаги акциядорлик жамиятида ҳам таъкидланди. Улкан меҳнат ютуқларини қўлга киритаётган жамоа аъзолари, депутатлар, партиё фаоллари иштирок этган анжуманда собик иттифоқ даврида миллий анъана ва урф-одатларимиз, буюк аجدодларимиз, бой тарихимиз қатагонга учраб, муқаддас Ислам дини оёқ ости қилингани туйайли фарзандлар ота-оналарини сўнгги маънавий кузатолмай зор қашшаганларига эса олинб, бугунги дорилмомон кунлар билан яқин ўтмишимиз қиёсланди.

Истиқлолнинг тарихан қисқа — 22 йилда халқ хўжалигининг барча жабҳаларида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар, энг ривожланган мамлакатларда ҳам тан олинган «Ўзбек модели»нинг имкониятлари Навоий вилояти мисолида ҳам ўз аксини топаётгани тилга олинди.

Тадбирда энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарини кўтаринки руҳда ўтказишда О'zLiDeP аъзолари, партиё фаоллари ҳамда электорат вакиллари жонбозлик кўрсатишлари лозимлиги таъкидланди.

Учрашувда худди шу мазмундаги тадбирларни бошқа шаҳар ва туманлардаги йирик меҳнат жамоаларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

НАМАНҒАН.

Тўрақўрган туман солиқ инспекциясида ташкил этилган БПТ аъзолари ташаббуси билан «Тадбиркорга — мададкоримиз» мавзuida тадбир уюштирилди. 34 нафар қуйи бўғун аъзоси, партиё туман кенгаши вакиллари, тадбиркор ва хунармандлар иштирок этган мулоқотда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, бу борадаги солиқ имтиёзлари, оилавий корхона фаолиятини текширишларнинг чекланиши хусусида атрофлича тушунчалар берилди.

Бошланғич ташкилот етакчиси Мақсудахон Адхамовнинг таъкидлашича, тадбиркорлар ҳуқуқини химоя қилишда бундай тадбирлар ниҳоятда муҳим бўлиб, келгусида уларни чекка қишлоқларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Аҳроржон МУСУВОНОВ.

ХОРАЗМ.

О'zLiDeP Хива туман кенгашида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот ташаббуси билан ташкил этилган «Тадбиркорлик субъектларининг давлат тузилмалари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзuida ёш тадбиркорларга кредит ажратиш масалалари муҳокама этилди.



XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА бўлинг!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

ТАШАББУС ҚУЙИДАН

Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти бўлиб, уларнинг аксариятига О'zLiDeP аъзоси бўлган сафдошларимиз етакчилиги қилинмоқда. Ана шундай корхоналардан бири «Барака устоз» фирмаси ташаббуси билан «Рақобат — сифатли хизмат кўрсатиш кафолати» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда О'zLiDeP Ангрэн шаҳар кенгаши ходимлари, назорат идоралари вакиллари, тадбиркорлар, хусусий корхонада иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари иштирок этишди.

— Бугунги кунда вилоятнинг кўп қисми корхоналарида сифатни бошқариш тизими йўлга қўйилгани натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро ISO талабларига жавоб бермоқда, — дейди тадбиркор, БПТ етакчиси Раҳмон Давлатов. — Бунинг натижасида экспортбоп маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

БПТ аъзолари давра суҳбати фойдали фикр-мулоҳазаларга бой бўлгани учун бундай учрашувларни бошқа мавзуларда ҳам ўтказишга келишиб олдлар.

Зиёдулла МУМИНОВ.

Реклама ўрнида

Тезкор ва сифатли хизмат

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА «АСАКА» БАНКНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАРНИНГ ЯЛПИ ҲАЖМИ 31,1 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУНДАН 19,7 МЛРД. СЎМИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КРЕДИТЛАР ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА



Эътиборлиси, сармоёларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилмоқда. Мана, бир мисол. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган ҳамда бошқа мақсадлар учун банк томонидан 17,1 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилнинг айна даврига нисбатан икки баравар кўп, демакдир.

Қолаверса, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар ҳажми 122,6 фоизга оширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда замонавий техника ва технологияга асосланган илҳам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Банк жамоаси ушбу қарор ижросини таъминлаш учун барча молиявий имкониятлардан фойдаланмоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларига ажратилган кредитлар ҳажми 5,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 1,2 баробар ўсишга эришилди. Натижала қўллаб янги иш ўринларига барпо этилди, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш учун яқиндан ёрдам кўрсатилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банклариининг молиявий қўллагичи тавассути билан қўйин, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Агро-плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Темур Мустафоев. — Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқ-

болли лойиҳалари ўз вақтида қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирishда муҳим аҳамият касб этаётди. Кейинги йилларда банк тизимини чуқур ислоҳ қилиш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш ўз самарасини бермоқда. Зеро, иқтисодиётнинг изчил ва барқарор тараққиёти пул-кредит сисёати билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ҳам мавжуд имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, ўз фаолиятимизни тўбора кенгайтираёмиз. «Агро-плюс»да асосан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ўтган давр мобайнида «Асака» банк кредитлари ҳисобига янги лойиҳаларни рўйбга чиқарилди. Бунинг натижасида 4 нафар ҳамшаҳримиз иш билан таъминланди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу соҳага 8,2 млрд. сўм миқдорда кредит йўналтирилди. Мақсад истеъмол бозорини янгилаш учун вақтида қондириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни қўтай-

тириш, истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқаришдан иборат. Қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, даргузорлик мўл-қўлигини таъминлашда чорвачилик алоҳида ўрин тутади. Шу боис юртимизда тармоқнинг изчил ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида банк томонидан ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 2,1 баравар кўп маблағ йўналтирилганлиги ҳам бежиз эмас.

Истиқлол шарофати билан оилавий тадбиркорлик, сервис хизмати, хунармандчилик ва касаначилик учун кенг йўл очилди. Бунинг ҳар бир туман ва қишлоқ мисолида кўриш мумкин. Жумладан, банк томонидан сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,2 млрд. сўм тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ҳозиргача 2,5 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Қолаверса, банкнинг Имтиёзли кредитлар махус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган сармоёлар миқдори ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,4 бараварга кўпайтирилди.

Ёшлар келажагимиз, ҳаётиимизнинг муносиб давомчиларидир.

Шундай экан, улар ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатиш муқаддас бурчимиз саналади. Кейинги йилларда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, уларни молдий ва маънавий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётганини ҳам бежиз эмас.

«Асака» банкнинг биргина Самарқанд филиали томонидан 2013 йилнинг ўтган етти ойи давомида коллеж битирувчиларидан 80 нафарига 356,2 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Бу эса уларнинг келажак ҳаёти йўлида муҳим аҳамият касб этиши шак-шабҳасиз.

Умуман, «Асака» банк вилоят филиали томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига ҳозиргача 475 лан зиёд янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар тадбиркорлик фаолияти учун йўналтирилган кредитлар миқдорини 40 млрд. сўмга етказиш, ҳудудларда 700 та қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда. Мақсад халқ фаровонлигини ошириш, юрт ободлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Ақбар МУЗАФФАРОВ
тайёрлади.

ТАДБИРКОРЛИК — ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК УЧУН ҚўЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ЯРАТИШ, АҲОЛИ БАНДИЛИгини ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ БўЛИБ, УЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

Бухоро вилоят прокуратураси органлари ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан изчил назорат тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят бўйича жами 26618 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 2033 таси саноат, 15675 таси қишлоқ хўжалиги, 771 таси транспорт ва алоқа, 1575 таси қурилиш, 4200 таси савло ва умумий овқатланиш, 2364 таси бошқа тоифадаги корхоналардир.

Бу борала, авваламбор, маҳаллий ҳокимиятлар, назорат-текширув органлари, давлат бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилишига эътибор қаратилмоқда.

Ана шу жараёнда маҳаллий ҳокимликларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинишида айрим қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани ва бу билан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани ҳам маълум бўлди.

Жумладан, Бухоро туман ҳокими Ҳ.Равайноров Узебекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддаси талабларига зид равишда, фуқаро Р.Раҳимовнинг туман ҳокимининг 2005 йил 18 февралдаги 11-сонли қарори асосида деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган 0,20 гектар ер майдонини ҳеч бир қонуний асосларсиз тумандаги «Азизбек Шаҳина Ражабий» фермер хўжалигига бириктириб бергани оқибатида унинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинган. Бундан ташқари туман ҳокими Ҳ.Равайноров яқка тадбиркор М.Ҳасановага деҳқон хўжалиги учун ажратилган 0,20 гектар ер майдонини ҳам 2013 йилнинг январь ойида ноқонуний равишда «Азизбек Шаҳина Ражабий» фермер хўжалигига бириктириб бергани аниқланди. Вилоят прокуратурининг 2013 йил 3 июндаги қарорига асосан туман ҳокими Ҳ.Равайноровнинг илтизоми жавобгарликка тортилиши таъминланиб, ҳар икки тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу ўринда назорат-текширув органлари ходимлари томонидан айрим ҳолларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари аниқланди, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилганини таъкидлаш лозим.

Масалан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишда солиқ органларининг 23 та ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақида протест келтирилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 4 та тақдимнома киритилди, 7 нафар шахснинг маъмурий ва 15 нафар шахснинг илтизоми жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Жумладан, Когон ДСИ бошлиғининг 24.01.2013 йилдаги қарори билан «Беларус паранда» МЧЖ томонидан 2012 йил 1 май кунини тоширилиши лозим бўлган ер солиғи ҳисоботларини кечиктириб, тақдим қилгани учун жамият раҳбари Ф.Ачиловдан МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисми билан 79590 сўм жарима ундирилган.

Аммо Узебекистон Республикаси МЖТКнинг 36-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо қўллашнинг икки ойлик муддати ўтиб кетган бўлса-да, маъмурий иш тугатилмасдан туриб, жамият раҳбари асоссиз равишда жаримага тортилган.

Шунингдек, Вобкент туман ДСИ бошлиғининг 21.02.2013 йилдаги қарори билан «Нигина» фермер хўжалигида ўтказилган солиқ текширувида 2010 йил учун жами 119,8 минг сўм миқдорда қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоблангани учун фермер хўжалиги раҳбари Ё.Рустановга нисбатан Узебекистон Республикаси МЖТКнинг 36-моддаси талабларига яъни, маъмурий жазо қўллашнинг икки ойлик муддати ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, маъмурий иш тугатилмасдан, унга МЖТКнинг 175-моддаси 1-қисмига асосан 79590 сўм миқдорда асоссиз равишда жарима жазоси қўлланилган.

Мазкур қарорлар қонунга зид равишда қабул қилингани боис, туман прокурорлари томонидан протест келтириш йўли билан бекор қилиниб, тадбиркор ҳуқуқи тикланди.

Худди шунингдек, Узебекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июль кунлидаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тублан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларига асосан «Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китоб» ҳисоботлари 2012 йил июль ойидан бекор қилинган бўлишига қарамасдан, Вобкент туман ДСИ камерал назорат шўъбаси бошлиғи Ҳ.Назаров тумандаги «Махшара Саодат Ҳамиджон», «Шаббода», «Лазизбек Ибодов» ва «Файзообод» хусусий корхоналари раҳбарларидан 2012 йилнинг IV чораги фаолияти бўйича ушбу ҳисоботларни асоссиз талаб қилган. Туман прокурорининг 15 мартдаги

қарори билан туман ДСИ камерал назорат шўъбаси бошлиғи Ҳ.Назаров МЖТКнинг 241-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши, улар томонидан қўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши, талабларни ноқонуний рад этиш ёки кўрилмасдан қолдириш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини амалда тикланишини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ғиждувон туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлигида Узебекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунни ижроси текширилганда, ҳокимликнинг мансабдор шахслари томонидан «Фирдавс Бафоев» хусусий фирмасига тегишли бўлган ер майдонини унинг розилигисиз фуқаро Д.Акрамовга болалар спорт майдончаси қуриш учун ажратиб берилгани, шунингдек, фуқаро Б.Джартибасовнинг автомобилларини ювниш шохобчаси, М.Дўстовнинг савдо дўкони қуриш ҳақидаги ҳамда бошқа фуқароларнинг ер ажратиш ва турли мазмундаги мурожаатлари белгиланган муддатда кўриб чиқилмагани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокурори томонидан жорий йилнинг 30 июнь кунини туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан Узебекистон Республикаси ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми ва 207-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатини қўллаб-қувватлашда даъво аризалари киритиш амалиётидан ҳам кенг фойдаланилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Жумладан, Ромитан туманидаги «Сафо Алишер Чориев» хусусий корхонаси ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ўртасида тузилган шартномага асосан хусусий корхона томонидан 29.11.2011 йилда жами 18684,0 минг сўмлик маҳсулотлар етказиб берилган бўлса-да, ушбу қардорлик жорий йилнинг 20 июнь кунига қадар тўлаб берилмагани аниқланди, вилоят ҳўжалик судига киритилган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган текшириш ва назорат тадбирлари давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан мансабдор шахсларнинг 32 та қонунсиз қарор ва фармойишларига протест келтирилди. Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва омишларини бартараф этиш тўғрисида 21 та тақдимнома киритилиб, 11 нафар шахс маъмурий, 38 нафар шахснинг илтизоми жавобгарликка тортилиши таъминланди. Сулларга эса 259,3 млн. сўмлик 18 та даъво аризаси киритилиб, 1130,3 минг сўмлик зарар илтизоми равишда ундирилди ҳамда 110 нафар тадбиркор ҳуқуқи тикланиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тушунириш ҳамда улар билан юзма-юз мулоқотта киришиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари билан режали учрашувлар ҳам ташкил этилмоқда. Уларга давлат ҳокимияти ҳамда назорат қилувчи идоралар вакиллари жалб этилиб, мавжуд муаммолар бартараф этилаётди. Тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга оширишга тўсқин бўлаётган ҳолатлар эса қонуний ҳал этилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган 197 та учрашувда 5774 нафар хусусий тадбиркор ҳамда 2227 нафар фермер иштирок этиб, уларнинг 1031 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 18 нафарининг рухсатнома олиш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳал қилиниб, 103 нафар тадбиркорга бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Оммавий ахборот воситалари орқали эса жами 73 та, шундан матбуотда 18 мартаба, радиода 30, телевидение орқали эса 25 мартаба чиқишлар қилинди.

Айни пайтда вилоят прокуратураси органларининг «1007» рақамли шпонч телефонига тадбиркорлардан турли мазмундаги 122 мурожаат келиб тушгани оқибатида тадбиркорларнинг ҳал этилмаётган муаммолари зудлик билан ҳал этиш юзасидан чоралар кўрилишини таъкидлаш мумкин. Шу ўринда аксарият мурожаатлар тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний араланиш, кадастр ва лойиҳалантириш идоралари ходимлари ҳаракатлари устидан, ноқонуний топшириқ ва мажбурият юклаш, мурожаатни кўриб чиқмаслик, муҳандислик коммуникацияларидан асоссиз равишда ушбу ва кредит ажратиб берилмаслик каби қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан эканини таъкидлаш жоиз. Прокуратура идоралари томонидан барча мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг 64 таси қаноатлантирилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ўза) олаш сураги

ХИКОЯТ

Фаридундан сўрадилар:

— **Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?**

У деди:

— **Чидам ва мулойимлик.**

Яна ундан:

— **Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади? — деб сўрадилар.**

У яна:

— **Чидам ва мулойимлик билан! — деб жавоб берди.**

АНДИЖОН КИВИЛАРИ

Булоқбошилиқ Назир Сулаймонов ўз боғида ўсаётган киви даракларидан бу йил 70 кило ҳосил олишни режалаштирди, дея хабар беради 12uz.com сайти. Ширмонбулоқ кишлоғида ҳўл меваларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш билан шуғулланаётган фермер 1999 йили Кримдан олиб келган кўчатларни аввал иссиқхонада парварилади. Кейин эса...

— Афсуски, ўзгарувчан климатимизга мослашиши қийин бўлган кўчатларнинг иккитасигина жон сақлаб қолди, — дейди фермер. — Саккиз йил аввал ана шу икки тупни томорқадаги очик ерга ўтказишга қарор қилдик. Бирок янги жойга «кўчган» дараклар гулини тўкиб ташлаверди. Шу тарика жанублик «мехмон»нинг ҳосилга киришидан умидимизни узиб, ундан манзарали ўсимлик сифатида баҳра олаётганимизда хорийдан келтирилган кивилардан қолтирмайдиган мевалар этила бошлади. Маълум бўлишича, 2011 йилда 40, ўтган йили йили эса 60 килограмм ҳосил олган боғбон бу йил ана шу кўрсаткични янада яхшилашни кўзламоқда. Шу ўринда қадимда фақат Хитойда етиштирилган киви меваси айни пайтда Янги Зеландия, АКШ, Франция, Италия ва Исроил плантацияларида ўстирилишини айтиш мумкин.

Шухрат ХУЖАЕВ.

ЭИЗлар учун яшил чироқ

МУТАХАССИС ВА ТАҲДИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, XX АСР ЎРТАЛАРИДА ПАЙДО БЎЛГАН ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИГА АЙЛАНГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШГА БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ЖУДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Гулноза МУХИДДИНОВА,
«XXI asr»

Агар 90-йилларнинг ўрталарида уларнинг сони 2000 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда эркин ҳудудлар сони 4000 тадан зиёддир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг жаҳон товар айланмасидаги ҳиссаси 40 фоиздан ортаётгани ҳам уларнинг афзал томонларини кўрсатиши мумкин. Улар дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатлари ҳудудларида жойлашган бўлиб, дунёдаги жами ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилмоқда. ЭИЗларнинг йиллик савдо айланмаси эса 600 млрд. АҚШ долларига яқин экани маълум қилинапти.

Ҳўш, эркин иқтисодий зона нима ўзи? Аксарият олимлар таърифидан келиб чиқса, у мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган махсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этилади. ЭИЗларни ўртга жиқатга қараб фарқлаш мумкин. Булар: фаолият тури ва мақсади, миллий ва жаҳон иқтисодиётларига интеграцияси, соҳаси ва мулкчилик шакли (улар давлат, хусусий ва аралаш шаклда бўлиши мумкин).

Маълумки, дастлабки ЭИЗ сифатида 1547 йилда «Эркин савдо шаҳри» деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳри тилга олинади. Ушбу иқтисодий-маъмурий тузилма доимо ривожланиб, мукамаллаштириб борувчи жабҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда Фарбий Европада эркин савдо ҳудудлари кўп, албатта. Уларнинг илк кўринишлари XIX асрда вужудга келиб, ўтган асрнинг 90-йилларида 150 тага етган. Аввалига улар Германия, Дания, Финляндия, Греция денгиз бандажларида вужудга келиб, фаолият юрита бошлаган. Лекин Европа ва умуман дунё эркин савдо ҳудудларининг энг

янги тарихи ўтган асрнинг 50-йилларида бошланди, дейиш мумкин. Бу бевосита Шеннон — Ирландия халқаро аэропорти билан боғлиқ.

Таҳлилчиларнинг маълум қилишича, Ирландия фарбий ҳудудида жойлашган Шеннон аэропорти трансатлантик рейсларида учувчи самолётларни ёқилги билан тўлдиришга ихтисослаштирилган эди. Лекин етакчи авиакомпаниялар қўшимча ёқилги кўйиш эҳтиёжини тўғирмайдиган самолётларга ўтганидан сўнг Шенноннинг иқтисодий аҳволи ёмонлашди ва у инқирозга юз тутди. Шу боис 1959 йилда Ирландия ҳукумати Шеннонни халқаро эркин тадбиркорлик ҳудудига айлантирилишини эълон қилди. Бу ҳаракат муваффақиятли кечиб, хориж капитали ёрдамида минглаб янги иш ўрни яратилди, ишсизликка барҳам берилди ва ҳудудга иқтисодий фаровонлик қайтди. Ҳозирги кунда Шеннон ҳудудида электрон ускуналар, қазил қурилмалари, саноат олимлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Унинг йиллик экспорти 1 миллиард АҚШ долларидан ошди, ҳудуд гуллаб яшнамоқда. Фарбий Европада эркин савдо ҳудудлари билан бир қаторда илмий-технологик ҳудудлар ва офшор бизнес марказлари ҳам кенг тарқалганини алоҳида қайд этиш мумкин.

АҚШда эса эркин савдо ҳудудлари XX асрнинг ўттизичи йилларида рўй берган иқтисодий инқироздан кейин пайдо бўла бошладилар. Ҳозирги кунда порт шаҳарлар ва транспорт қатнови эич ерларда жойлашган бундай ҳудудлар сони бир неча юзтага етди. Шунингдек, 80-йилларда мамлакатда асосан ички бозорга мўлжалланган эркин тадбиркорлик ҳудудлари ҳам пайдо бўлганини таъкидлаш лозим. Илмий технология ҳудудлари ҳам бу ерда жадал ривожланган.

Япония иқтисодий-сиёсатида ҳам узоқ давр мобайнида бирламчи эътибор технология янгилликларни ишлаб чиқишга қаратилган эди. Лекин 90-йилларнинг ўрталарида мамлакат ҳукумати экспортни рағбатлантириш ва

хорижий сармояларни жалб этишга йўналтирилган чораларни кўра бошлади. Шу мақсадда денгиз портлари ва халқаро аэропортларда эркин ташқи савдо ҳудудлари вужудга кела бошлади.

Бугунга келиб эса ривожланган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар сони ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичларга яқинлашиб қолди. Хусусан, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари кенг тарқалиб, уларда ишлаб чиқарилган деярли барча маҳсулот ташқи бозорга чиқарилди. Бундай ҳудудлар кўпинча анклав кўринишига эга бўлиб, давлат ичидаги давлатни ташкил этмай. Зеро, эркин иқтисодий ҳудудлар асосан электрон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Осиё мамлакатларида эса ЭИЗлар сони 200 га яқин. Мисол учун, Корея Республикасининг «Масан», Тайвань оролидаги «Гаосюн», Малайзиядаги «Пинанг», Филиппин оролидаги «Багио», Сингапурдаги «Журонг» экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари энг самарали фаолият юритиб келаятган ЭИЗлар сирасига кирилади. Шунингдек Ҳиндистон, Индонезия, Покистон, Таиланд, Сурия, Иордания ҳам бундай ҳудудлар тобора ривожлантириляпти. Осиё давлатларида экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларидан ташқари, эркин иқтисодий ҳудудларнинг бошқа турлари ҳам учраб туради. Сингапур ва Бирлашган Араб Амирликларининг халқаро аэропортларида дунёдаги энг йирик «Дьюти Фри» тизимида фаолият юритувчи савдо марказлари бор. Аммо шу ўринда инфратузилмаси қолоқ ва маблағ етишмайидиган Африка қитъасида ҳозирча эркин иқтисодий ҳудудлар сони жула камлигини, бу ерда асосан экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари фаолият юритиб, улар Маврикий ороли, Тунис ва Мисрда жойлашганини таъкидлаш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларининг энг катта қамрови Хитойда кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, мамлакат иқтисо-



диётга киритилаётган хорижий сармояларнинг катта қисми мамлакатдаги бешта эркин иқтисодий ҳудудга (Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньюто, Сямэнь ва Хайнань) тўғри келади. Бундан ташқари, 80-йиллардаёқ мамлакатнинг денгиз бўйида жойлашган 14 та шаҳрига очик шаҳарлар мақоми берилди. 90-йиллар бошида эса Шанхай шаҳрида Пудун эркин иқтисодий ҳудуди оchildган. Мамлакат ҳукумати айнан шу ҳудуд орқали иқтисодиёт очиклиги даражасини йилдан-йилга оширмоқда.

Лотин Америкаси эркин иқтисодий ҳудудлари сони жиқатидан Осиё давлатларидан деярли фарқ қилмайди. Аввалига бу минтақада асосан эркин савдо ҳудудлари барпо этилган бўлса-да, кейинчалик бирламчи эътибор экспорт ишлаб чиқаришга қаратилди. Бундан ташқари, турли офшор марказлари ҳам кенг ривожланди. Бу минтақада асосан қамрови катта бўлмаган, аниқ бир йўналишга эга эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланган. Бразилиянинг Амазония қисмидаги 3,6 млн. кв. км майдонини эгаллаган «Манасу» эркин иқтисодий ҳудуди эса минтақада биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Мексика, Чили, Колумбия, Уругвай ва бошқа мамлакатларда ҳам кўплаб майда эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият олиб

бормоқда.

Айрим мутахассислар ривожланган давлатларда эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишга йўналтирилган уринишларнинг ҳаммаси ҳам омадли келмаганини таъкидлашаётган. Сиёсий барқарорликнинг йўқлиги, қатор иқтисодий ва маъмурий омилилар таъсирида ўз вақтида Либерия, Сенегал, Шри Ланка, Гватемала давлатларида барпо этилган ҳудудлар деярли ҳеч қандай фойда келтирмади.

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, бутун эркин иқтисодий зоналардан нафақаг сармоя жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афрзалликларини иқтисодиётга жорий этиш мақсадида Президентимизнинг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги фармонида асосан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилгани қандай натижа бераётгани барчага бирдек маълум. Мазкур ҳужжатнинг жаҳон иқтисодий инқирози бутун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга ҳам

сезиларли салбий таъсир кўрсатган бир пайтда имзолангани эса юртимизда яратилган иқтисодий пойдеворнинг ниҳоятда мустаҳкамлигидан далолат беради. «Навоий» ЭИИЗ Навоий халқаро аэропорти билан туташ равишда бунёд этилгани ҳаво транспортдан кенг фойдаланиш имконини бериш баробарида жаҳондаги етук авиа ҳамда юк ташувчи компанияларнинг назарга ҳам тушди ва давлатимизнинг яна бир йўналиш бўйича мавқеи ошишига олиб келди.

«Навоий» ЭИИЗга хорижий компанияларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётганини халқаро таҳлилчилар ҳам эътироф этмоқдалар. Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа қатор мамлакатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу ЭИИЗда тақдир этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли унга инвестиция киритиб, узоқ муддатли индустриал лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилганликларини билдирмоқдалар.

Ушбу салбий-ҳаракатлар бутун республикамизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий

сиёсатнинг нақадар пухта ва оқилона эканлигини исботламоқдаки, бунга нафақаг юртимиз аҳолиси, балки дунёнинг энг нуфузли ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи олимлар ва йирик инвесторлар ҳам эътироф этмоқдалар. Президентимизнинг «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарни барпо этиш тўғрисидаги салбий таъсир кўрсатида эса Ўзбекистонда иккинчи ва учинчи эркин иқтисодий зоналарга асос солинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЭИЗларда қутилган самарага эришиш учун уларни қачон ва қандай йўналишда ташкил этишни билиш ўта муҳимдир. Агар ана шу принципларга амал қилинмаса, улар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳам исботланган. Масалан, Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон каби «собиқ иттифокдош» республикалар ўтган асрнинг 90-йилларида шошма-шошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганларини бир ёдга олайлик. Ушбу даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланиш босқичида эди. Шу боис ЭИЗларга сарфланган миллиардлаб маблағлар кўкка соурилди, дейиш мумкин.

Воқеалар, галимлар, шарҳлар

ИЛҲОМ АМИНЗОДА — ПРЕЗИДЕНТ ЎРИНБОСАРИ



Эрон президенти Хасан Рухоний сиёсатчи аёл Илҳом Аминзодани ҳуқуқий масалалар бўйича президент ўринбосари этиб тайинлади. Шу тарихи Аминзода мамлакат раҳбариятидаги бундай юқори лавозимга тайинланган биринчи аёлга айланди. Бу мамлакат президентининг сиёсат ботида эркак ва аёллар тенг ҳуқуқли экани ҳақидаги фикрнинг исботи бўлди, дейиш мумкин. Хасан Рухонийнинг зарур илмий билимларга, юридик тайёргарликка, қонунчилик соҳасидаги тажриба ҳамда олий ахлоқий фазилатларга эгаллиги туфайли Аминзодани танлагани фармонда алоҳида қайд этилган. Айтиш жоизки, Аминзода шу кунгача миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат бўйича парламент кўмитаси таркибига кириб, Тохрон университетининг ҳуқуқ факультети профессори лавозимда ишлаб келган.

ЯПОНИЯНИНГ ҚАРЗИ 10,3 ТРИЛЛИОНДАН ОШИДИ



Оммавий ахборот воситаларида Япониянинг давлат қарзи рекорд кўрсаткичга етгани маълум қилинмоқда. Зилзила ва цунами оқибатларини бартараф этиш учун мамлакат бир квадриллион иена (10,3 триллион доллардан зиёд) микдорда қарзга ботган. Бу қарз мамлакат ЯИМдан икки баробарга кўтиди. Қарздорлик аҳоли бошига ҳисоблаганда 7,92 миллион иенани (82 минг доллар) ташкил этапти. Таҳлилчилар давлат қарзининг бу даражада ошиб бораётгани инвесторларда Япониянинг узоқ муддатли давлат облигацияларига бўлган қизиқишини тушириб юбориши, кредит фоизларининг эса кўтарилишига олиб келиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

РУМИНИЯ ЭНДИ ДАКНИЯ ДЕБ АТАЛАДИ...МИ?



Руминияда мамлакат номини ўзгартириш учун имзо тўплашга киришилди. Ушбу ташаббус эгаларининг фикрича, улар ўзларини рома ёки римлик циганлар билан боғлашларини исташмаяпти. Шу боис мамлакатни Дакния деб аташ таклифи илгари сурилмоқда. Маълумотларга кўра, Антик даврда дак қабилалари яшаган катта ҳудуд ана шундай номланган ва бугун ана шу ҳудудда Руминия жойлашган. «Римликлар Италияда, Рома эса Ҳиндистондан бутун дунёга тарқалган. Ром — ямай ичимлиги», — дейилади Causes.com сайтидаги хабарда. Ташаббус муаллифлари камида 150 минг имзо тўплашларига ишонимда. Ана шунда ушбу масала мамлакат парламентида кўриб чиқиши мумкин. Ҳозиргача 4 мингга яқин имзо йирилган. Мамлакатнинг ҳозирги номи XIX аср ўрталаридан бери қўланиб келинмоқда.

ҲИКОЯТЛАР

Шоҳ Хисравдан:

— Уғилларингдан қайси бирини кўпроқ сеvasан? — деб сўрашибди.
— Тартиб-интизомга риоя қиладиган, ор-номусини кўз қорачиқдай сақлайдиган, жамиятда олий мавқеи ишғол этиш учун қамиша жон куйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман, — дебди у.

Шоҳ Хисравга шундай савол беришибди:

— Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?
— Душманларингга, — дебди у. — Ҳаммага маълумки, ақлли одам ёвузликдан қочади.

Ижтимоий реклама

«ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаятган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиқатдан юксак савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардор бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов номинациялари:

- энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
- энг яхши иқтисодий нашр;
- энг яхши спорт нашри;
- энг яхши болалар нашри;
- газета-журналнинг энг яхши дизайни учун;
- энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябргача олиб борилган фаолият натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
- материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
- бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда катнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-кават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz.

Ташкилий қўмита.

Катта саналар арафасида

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИК ТАНТАНАЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТАЁТГАН КУНЛАРДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИНИНГ (INTERNATIONAL KURASH ASSOCIATION — IKA) 15 ЙИЛЛИГИНИ ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАЙДИЛАР

Шухрат ХҲЖАЕВ, «XXI asr»

Таъкидлаш лозим: 1998 йилнинг 6 сентябрида дунёнинг 28 та мамлакат вакиллари ташаббуси билан ташкил этилган, бугунги кунда эса 121 та миллий федерацияни бирлаштириб турган ассоциация ўтган давр мобайнида уч минг йиллик тарихга эга бўлган кураш оммавийлигини дунё миқёсида ошириш, IKAнинг минтақавий ва қитъавий ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, энг муҳими, курашни Олимпия спорт тури даражасига кўтариш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширди.

Жумладан, ҳар икки йилда бир марта катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги қитъа ҳамда жаҳон чемпионатларига бош-қош бўладиган ассоциация томонидан ўшбу спорт турини Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОК) шафелигида ўтказиладиган кичик олимпиадалар дастурига киритиш буйича мақсадли режалар ишлаб чиқилди. Натيجанда 2003 йили миллий қадриятимиз Осиё Олимпия Кенгаши томонидан қитъа спорти, деб эълан қилинган сўнг Доха, Макао, Ханой, Бангкокда «кичик олимпия» тизимига кирувчи нуфузли мусобақалар ташкил этилди.

Унда дунёнинг энг кучли полновлар бош соврин ва медаллар учун гиламга чиқди. Бундан ташқари, 2000 йилдан буён Англия, Греция, Францияда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Ислом Каримов» халқаро турнирларида дунёнинг энг сара полновлари иштирок этмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи ярми кураш бўйича нуфузли мусобақалар, тадбирлар ва воқеаларга бой бўлди, — дейди IKA бош котиби Умид Якубов. — Анъанага кўра, янги спорт мавсуми 30 январь кун Олимпия ўйинлари ватани — Грецияда «Ислом Каримов» халқаро турнири билан бошланди.

Бунда ўзига хос рамзий маъно бор, албатта. Зеро, истиқлол йиллари давлатимиз раҳбари томонидан миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ўзбек курашнинг жаҳон сари юз тугишида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Кураш халқаро ассоциацияси тақвимидан жой олган тадбирлар орасида мамлакатимизда ўтадиган мусобақалар ва йирик спорт анжуманлари ҳам алоҳида ўрин тугишини таъкидлаш лозим. Жумладан, 2013 йилнинг 16-21 майда Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий Халқаро турнирда ўттиз мамлакат вакиллари иштирок этди.

29 июнь—6 июль кунлари эса Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган ёпиқ иншоотларда ва



жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё уйинларида қитъавий спортчилари фаол иштирок этдилар. Мусобақа якунига кўра, 16 мамлакат вакили айнан кураш бўйича совринли ўринларни эгаллаб, медалларга сазовор бўлди. Ўз навбатида, кураш бўйича Украинада катталар ўртасида халқаро

турнир ва Ливанда араб давлатлари IV чемпионати, Хитой Тайпейида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ташкил этилди. Эътиборлиси, 5-6 август кунлари Тайбэй шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада иштирок этган ўзбекистонлик ёш полновларнинг 8 нафари совриндорлар қаторидан ўрин олиб, терма жамоамиз хазинасига учта олтин, битта кумуш ва тўртта бронза медалини қўшишди.

Шу ўринда 2013 йилнинг иккинчи ярмида ҳам кураш бўйича бир қатор нуфузли мусобақалар ўтказилиши, уларнинг энг йириги 23-28 октябрь кунлари Парижда ташкил этилишини айтиш лозим. Шу тариқа Франция пойтахти кураш бўйича катталар ўртасидаги IX жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўз матонатини ҳалоллиги билан минглаб мухлиси мутахассислар ҳурматини қозонган, халқаро ареналарни бирма-бир забт этган ҳолда қалбларимизни гурурга тўлдирётган кураш ўтган ўн беш йил давомида жаҳоннинг ривожланган спорт турларидан бирига айланди. Шундай экан, умид қиламизки, «ёнбош», «чала», «ҳалол» каби ўзбекча сўз-атамалар яқин йилларда Олимпия ўйинларида ҳам баралла янтрайди.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

— Осийшталлик ва фаровонлик ҳукм сурган юртга байрамлар, тантаная томошалар ярашади, — дейди Учтепа туманидаги «Чўпон ота» маҳалласи сардори Зоирбек Соатов. — Айни пайтда мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби бизнинг маҳаллада ҳам мустақиллигимизнинг 22 йиллигини кенг нишонлашга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Маҳаллада аҳоли тинчлиги ва осийшталлигини таъминлаш кўп жиҳатдан биз, сардор ва посбонларга боғлиқ бўлса-да, маҳалладошларимиз осудалигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини яхши биладилар. Зеро, маҳалла ахли, айниқса, ёшлари орасида доимий тарзда бу борада тушунтириш ишлари олиб борилади. Меҳнат фаолиятини пойтахтимиздаги 7-корхонада оддий чилангарликдан бошлаган Зоирбек ака кейинчалик автобус ҳайдовчиси сифатида кўп йиллар давомида йўловчилар оғирини енгил, узогини яқин қилди. Узининг тиришқоқлиги, жонқурлиги ва меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг ишончини қозонгани боис, бундан қарий беш йил аввал маҳалла посбонлари сардори этиб тайинланди. Эътиборлиси, турмуш ўртоғи Иноят опа билан бирга икки ўғил ва тўрт қизни вояга етказиб, уларни касб-корли қилган Зоирбек ака ҳовлисида дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган нобўз усимликларни ўстириб, парваришлашга қизикади. Бу ишда унга шириндан-шакар икки навараси ҳам ёрдам беради.

Хабар

ТЕРМИЗГА БЕГЕМОТ ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Бир қатор интернет сайтларида Термиз шаҳар ҳайвонот боғига бегемот олиб келиниши кутилаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалган, тўлароқ маълумот олиш мақсадида муассаса маъмурияти билан боғландик. Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда Термиз боғида катта ўзгаришлар рўй бераётганини эътибордан ташқари бегемот ва тимсоҳларга мўлжалланган махсус вазирлар ўлик таъмирланмагунча Африка сув ҳавзаларига кўниккан жониворларни Термизга олиб келиб бўлмаглигини таъкидлади. — 2012 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида боғимизда яшаётган йўлбарс, шер, жайрон, кўнгирик айик, тоғ бўриси, Пржевальск отидан насл олиниб, улар сонини кўпайтиришга эришдик, — дейди боғ директори Баҳодир Тошбоев. — Бундан ташқари Тошкент ҳайвонот боғидан тўвқилар оиласига мансуб бўлган ҳолдор бугу, лама ҳамда ёлдор кўйи каби нобўз турлар ҳам олиб келинди. Айни кунда «меҳмонлар» нисбатан иссиқ климатимизга мослашяптилар. Шу ўринда боғимизни реконструкция қилиш бўйича берган тақлифларимиз ўрганилиб, бу борада махсус лойиҳа ишлаб чиқилганини айтиш жоиз. Бюджетдан маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг, насиб қилса, бегемот ва тимсоҳ оилаларини Термизга олиб келиш режалаштирилган.

Антиқа қонунлар

АҚШнинг Огайо штатида бадиқларга спиртли ичимликлар бериш манъ этилган бўлса, Алабамада автомобилни боғланган кўзлар билан бошқариш мумкин эмаслиги тўғрисида қонун қабул қилинган. Вермонлик аёллар тиш протезини кўйдиршиш учун турмуш ўртоқларидан расман рухсатнома олишлари шарт. Аляскада айқинларни ўлдиршиш мумкин. Лекин айик билан расмга тушиш учун уни уйғотиш қатъий манъ этилган. Флорида штати қонунларида турмуш қурмаган аёлларнинг яқшабна кўни парашютда сакраши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, уларга кўнига учадан ортик ликопча синдириш тақиқланган. Аризонада катус дарахтининг кесган қилиша нисбатан 25 йилгача қамқо жазоси берилиши мумкин. Айдахо штатида тувинг устида ўтириб балик овлаш тақиқланган бўлса, Балтимор штатида театрга шерлар билан кириш мумкин эмаслиги тўғрисида махсус қонун бор. Нью-Йоркдаги лифтларда ҳатто танишлар билан суҳбатлашиш ҳам мумкин эмас. Кентукки штатида эса эркаларга собик хотинининг бувисига уйланиш тақиқлаб қўйилган.

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 15-22 август кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёлғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38, чўл ҳудудларда 40 даражагача иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари 18-23 кундузи 30-35 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 10-15 даража илик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.



Автомобили УАЗ. От дилера «SARDOR AVTO INVEST». УАЗ Patriot (comfort) — пикап. Полноприводный (4x4). Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17. Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17. Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

LADA БИЗНЕС. От дилера «SARDOR AVTO INVEST». ВИС-2347, LADA SAMARA, борт. ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон. ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4. ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4. Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17. Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17. Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

«NAVOIYAZOT» OSHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI. ТЕХНИКАВИЙ ФОРМАЛИННИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. Техникавий формалин қишлоқ хўжалигида уруғ ва илдиэпожаларини қайта ишлаш, тупроқни дезинфекциялашда кенг қўлланилади. Чорвачилиқда бактерия ва замбурув касалликларига қарши курашишда асқотади. Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5, Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99. e-mail: market@navoiyazot.uz. www.navoiyazot.uz. СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-27-35, e-mail: sale@navoiyazot.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР! Барча тракторлар «ТОГЛАР» МЧЖнинг Тошкентдаги омборонасида мавжуд. Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер. Бульдозер погрузчик БЛ-750. Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц. Асфальтотез. Подъемник БЛ-09. «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2. Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55. e-mail: taglar_uz@mail.ru www.toglar.uz